“MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI” АЖ



“MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI” АЖ ижроия органининг 2022 йил 2 квартал ҲИСОБОТИ

Тошкент ш.
2022 йил

“MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI” АЖнинг 2022 йил

2 квартал (ярим йиллик) бўйича ҳисобот

“MULK-SARMOYA BROKERLIK” АЖнинг асосий фаолияти брокерлик ва депозитар хизматлари хисобланиб, 2022 йил 2 чорак (ярим йиллик) якуни бўйича **1075** яъни 37928069 дона акциялар ёки жами 47483,24 млн.сўмлик брокерлик битимлари амалга оширилган. Шулардан **509** яъни **5 686 261** дона акциялар ёки жами **29 388,34** млн.сўмлик брокерлик битимлари **2 чоракда** амалга оширилди.

2022 йил 2 чоракда амалга оширилган битимларнинг 7 та яъни 3972523 дона (“Каттакурғон ёғ-мой” АЖ, “Урганч ёғ-мой” АЖ, “Ёғгар” АЖ, “Бухарапарранда” АЖ, “Узпартампонаж” АЖ ва “Кашкадарё нефт-газ курилиш ва таъмирлаш” АЖ) акциялар ёки 20147,0 млн.сўмлик брокерлик битимлари давлат улушларини сотилишига тўғри келди.

Ўтган йил 2 чораги билан таққослайдиган бўлсак ушбу кўрсаткич 560 та яъни 2 086 163 дона акциялар ёки жами 24 620,0 млн.сўмлик битимлар амалга оширилган эди. Булардан 1 та яъни 480334 дона акциялар еки 20 080,0 млн.сўмлик брокерлик битимлари давлат улуши сотилишига тўғри келганди.

Хисобот даврида 1075 та брокерлик битимлари амалга оширилган бўлиб, шундан 751 таси HTS (home trade system) тизими орқали амалга оширилган битимлардир. Шулардан 509 та, шундан 322 таси HTS (home trade system) тизими орқали **2022 йил 2 чоракда** амалга оширилган битимлардир.

Бундан ташқари, хисобот даврида уйишмаган биржадан ташқари савдоларда жами 472 та, 880 163 дона ёки бўлмаса 1597,1 млн.сўмлик битимлар амалга оширилди. Шундан 216 та, 527 746 дона ёки бўлмаса 454,49 млн.сўмлик битимлар 2 чоракга тўғри келди.

2022 йил 2 чорак якунлари бўйича ялпи даромад – 921,4 млн. сўмни (Бизнес – режа бўйича ялпи даромад 712,8 млн. сўм миқдорида белгиланган эди) ташкил этди. Ялпи даромад бўйича Бизнес-режа 129,3% бажарилди. Даромадларнинг 813,0 млн. сўмлик қисми асосий фаолиятдан (депозитарий ва инвестиция воситачиси хизматлари) олинган бўлиб, қолган 108,4 млн. сўми молиявий фаолиятдан ва бошқа қўшимча даромадлардан тушган пулдир.

Харажатлар 678,2 млн. сўмни ташкил этди. Бизнес – режа бўйича жами харажатлар 549,2 млн.сўм этиб белгиланган эди. Бизнес – режага асосан харажатлар 123,4% ташкил қилди.

Ҳисобот даврининг соф фойдаси **206,7** млн. сўмни ташкил этиб (Бизнес – режа бўйича соф фойда **139,2** млн. сўм миқдорида белгиланган эди), ушбу кўрсаткичнинг Бизнес – режа бўйича бажарилиши **148,5**% ташкил қилди.

Жамиятнинг устав фонди **936 254 464 сўмни** ташкил этиб, номинал қиймати 512 сўмдан бўлган 1 828 622 дона оддий акциялардан иборат.

2022 йилнинг 31 март холатига “MULK-SARMOYA BROKERLIK” АЖ 2,5 фоиздан 57,3 фоизгача бўлган турли корхоналарда жами 427,9 млн.сўмга

яқин улушларга эга. Шундан 8 таси турли вилоятларда “ВАҚТ” номи билан фаолият юритиб келаётган масъулияти чекланган жамият шаклидаги корхоналардир.

Бош директор **С.Нурметов**